

SMART BANK	<p>Ro'yxatdan o'tkazildi Ro'yxat raqami: <u>I-4</u> Sana: "<u>10</u>" <u>феврол</u> <u>2023</u> yil Imzo: <u>Муродзода</u></p>
------------	---

«Smart bank» акциядорлик жамияти
 Ягона акциядори йиғилишининг
 2023 йил «6 » феврал даги
02/1 - сонли қарорига
9-илова

**«SMART BANK» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ
 ИЧКИ НАЗОРАТ ОРГАНЛАРИНИНГ БАНК БОШҚАРУВ
 ОРГАНЛАРИ БИЛАН ЎЗАРО ҲАМКОРЛИГИ ТҮҒРИСИДА
 НИЗОМ**

Тошкент – 2023 йил

Мазкур “Smart bank” акциядорлик жамиятининг ички назорат органларининг банк бошқарув органлари билан ўзаро ҳамкорлиги тўғрисидаги низом” (кейинги ўринларда Низом деб юритилади) Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунлари ва бошқа амалдаги қонун ҳужжатларига ҳамда “Smart bank” акциядорлик жамияти Уставига мувофиқ ишлаб чиқилган.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом “Smart bank” акциядорлик жамиятининг (кейинги ўринларда Банк деб юритилади) ички назорат органларининг Банк бошқарув органлари билан ўзаро ҳамкорлиги тартибини белгилаб беради.

2. Низомда қўйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

ички назорат органлари – Банкнинг Ички аудит бошқармаси ҳамда Банк Тафтишчиси;

Банк бошқарув органлари – Банкнинг Ягона акциядори ҳамда Банк Кузатув кенгаши.

Ушбу асосий тушунчаларга берилган изоҳлар фақатгина мазкур Низомда мақсадларида фойдаланиш учун қўлланилади.

3. Банк ички назорат органларининг Банк бошқарув органлари билан ўзаро ҳамкорлиги Банкнинг белгиланган мақсад ва мэрраларига эришиш чора-тадбирларни амалга ошириш мажмуудир ва бу қўйидаги асосий йўналишлардан ташкил топади:

Ягона акциядорнинг хуқук ва манфаатларини ҳимояланишини таъминлаш;

Банкнинг молиявий ва бошқа ҳисоботларнинг ишончлилиги ва тўғрилиги; молия-хўжалик фаолиятининг самарадорлиги;


Банкнинг Устави ва бошқа ички меъёрий ҳужжатларига риоя қилиниши.

2-боб. Банк ички назорат органларининг Банк бошқарув органлари билан ўзаро ҳамкорлиги

4. Банк ички назорат органлари ўз фаолиятида Банк бошқарув органларига ҳисобдордир.

5. Банк фаолиятида йўл қўйилиши мумкин бўлган қонунбузарликлар олдини олиш мақсадида Банк ички назорат органларининг Банк бошқарув органларига амалдаги қонунчилик ҳужжатлари ва Банкнинг ички меъёрий ҳужжатлари талабларидан келиб чиқсан ҳолда ҳисобот, маслаҳат, тавсия, қўлланма, тушунириш ва бошқа ҳужжатларни тақдим этиш орқали ўзаро ҳамкорликни йўлга қўяди.

6. Банк ички назорат органлари ўз фаолиятини тасдиқланган иш режаси



ва/ёки ўз низоми асосида амалга оширади. Мазкур иш режасига ва/ёки низомига киритилмаган масалалар юзасидан текширув (ёки тафтиш) ўтказиш ёки бошқа тусдаги талаблар Банк бошқарув органларининг қарори асосида амалга оширилади.

7. Банк ички назорат органлари Банк молия-хўжалик фаолияти тафтиши якунлари юзасидан ҳамда тасдиқланган иш режага мувофиқ ўтказилган текширувлар юзасидан ўз хулосаларини тақдим этади.

8. Банк ички назорат органлари ўз фаолиятини амалга ошириш чоғида Ягона акциядор ҳуқуқилари ва манфаатларини биринчи ўринга қўйиши шарт.

9. Банк ички назорат органларининг ва Банк бошқарув органларининг ўзаро ҳамкорлиги Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” қонуни талабларидан келиб чиқсан ҳолда ўзаро ишонч, хисобдорлик ва назорат тамойиллари асосида амалга оширилади.


3-боб. Якуний қоидалар

10. Банкнинг тегишли раҳбар ва ходимлари томонидан мазкур Низом талабларига риоя қилинмаган тақдирда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

11. Мазкур Низомга киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар Корпоратив маслаҳатчи тавсияси асосида Банк Кузатув кенгashi томонидан киритилади ва Ягона акциядор томонидан тасдиқланади.

12. Мазкур Низом билан тартибга солинмаган масалалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

13. Ушбу Низомнинг алоҳида бандлари Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилиги ёки Банк Уставига зид бўлса, ушбу бандлар ўз кучини йўқотади ва ушбу бандларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилгунга қадар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва Банк Устави нормаларига амал қилинади.



ЮРИДИК ХУЛОСА

(норматив-хуқуқий ҳужжатни ҳуқуқий экспертизадан
ўтказиш түғрисида)

Экспертиза ўтказувчи	Юридик департаменти
Экспертизадан ўтказилган меъёрий ҳужжат номи	“Smart bank” акциядорлик жамиятининг Ички назорат органларининг банк Бошкарув органлари билан узаро хамкорлик түгрисида Низом.
Экспертиза ўтказишида фойдаланилган қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар	“Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки түғрисида”, “Банклар ва банк фаолияти түғрисида”, Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукукларини ҳимоя қилиш түғрисида”ги Қонунларига, банкнинг Устави ва ички меъёрий ҳужжатлар.

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг амалдаги
қонунлари талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, банк
фаолиятини самарали ташкил этиш максадида банк ички назорат
органларининг банк Бошкаруви органлари билан узаро хамкорлиги,
банк фаолияти очиклигини таъминлаш, самарали ички назорат
механизмларини жорий килиш борасида текширувни амалга ошириш
тартиблари каби масалаларни мувофикаштиришга каратилган.

Ушбу Низомни ишлаб чиқишида қонунчилик техникиси
коидаларига риоя қилинган.

Хуқуқшунос

М.Ғуломжонова

